



1833 йили Оренбург харбий губернатори В. А. Перовскийнинг топшириги билан Оренбургдаги Неплюев харбий билим юртида араб, форс, татар тиллари муаллими бўлиб ишлаётган Петр Иванович Демезон Бухорога юборилди. Бу одам асли италиялик бўлиб, Сардинияда тугилган эди. У Русияга кандок келиб колгани номаълум бўлса-да, кейинчалик у рус фукаролигини қабул қилган. Унинг Бухорога тўрт ойлик сафаридан мақсад «Ўрта Осиё вилоятларида содир бўлаётган ҳамма нарсалар хақида ишончли ва батафсил маълумотлар тўплаш» эди. Бу борада Петербургдаги чор ҳукуматининг Афғонистон ва Ҳиндистон орқали келаётган инглиз молларининг Ўрта Осиё бозорларида рақобатбардорлиги кучаяётганидан, умуман чет эл агентурасининг бу ердаги фаоллиги ортаётганидан ташвишга тушаётгани ҳам ана шу сафарга туртки бўлгани аниқ эди.

Демезон Бухорога татар муллasi Мирза Жаъфар номи остида бухоролик тожир Ниёз Мухаммаднинг савдо қарвони билан жўнатилди. Бухороликлар асосан суннийлар

бўлгани учун сунний мулла Жаъфар никобидаги Демезонга барча масжид ва мадрасаларнинг эшиги ланг очиб қўйилди ва бу шаҳарнинг барча таникли кишилари билан танишиш ва Бухоро муллалари билан илмий мунозара олиб бориш имконини берди.

(Б. Лунин, «История Узбекистана в источниках», Ташкент, 1990 г.).

Бизнинг изох: хозиргача никоби ва номини ўзгартирган, аммо мақсадлари эскича қолган яна қанчалаб демезонларнинг ирқит қадами табарруқ ерларимизни топташдан тўхтагани йўқ. инша Аллох, Демезон ҳақида батафсил ёзаман...

Абу Муслим